

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

“Тўракўрғон туман халқ таълими бўлими” в.в.б  
мудири;

А.Эшонов



Наманган вилояти Тўракўрғон тумани Лангарбобо МФЙда жойлашган “18-умумтаълим мактаби” биносида бажариладиган жорий таъмирлаш ишларини бажарувчи корхонани саралаш бўйича

## ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

### 1. Умумий маълумотлар

1.1 . Буюртмачи

“Тўракўрғон туман халқ таълими бўлими”

Манзил:

Ўзбекистон Республикаси, Наманган вилояти,

Тўракўрғон тумани

В.в.б мудир:

А.Эшонов

1.2. “Тўракўрғон тумани халқ таълими бўлими”нинг энг яхши таклиф танлаш комиссияси томонидан пурратчи ташкилот субъекти аниқланади.

1.3. Танловнинг максимал қиймати: жами қўрсатилган хизмат учун Тўракўрғон туман халқ таълими бўлимига қарашли 18- умумтаълими мактаби биносида бажариладиган жорий таъмирлаш хизмати билан 155 447 282 сўм қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.4. Буюртмачи томонидан талаб қилинадиган хизматлар тури техник топширик иловада рус тилида келтирилган.

### 2. Танлов мақсади.

2.1. “Наманган вилояти Тўракўрғон туман Лангарбобо МФЙда жойлашган “18-сонли умумтаълим мактаби” биносини жорий таъмирлаш ишларини бажарувчи корхонани саралаш бўйича

### 3. Танлов иштирокчилари.

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар ҳар қандай юридик шахс, шу жумладан, кичик бизнес субъектлари ҳам иштирок этиши мумкин. 4.4.-бандда келтирилган тадбиркорлик субъектлари бундан мустасно.

#### **4. Ижрочига бўлган талаб.**

4.1. Ижрочи давлат рўйхатидан ўтган, мазкур хизматни кўрсатиш бўйича тегишли руҳсатномага эга бўлиши, “Тўракўрғон тумани Лангарбобо МФЙда жойлашган 18-сонли умумтаълим мактаби” биносида жорий таъмирлаш ишларини бажариши лозим.

4.2. Ижрочи кўрсатиладиган хизматни ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлани лозим.

4.3. Иштирокчи танловда иштирок этиш учун, танлов ҳужжатлари талабларига мувофик кўйидаги ҳужжатларни электрон шаклда тақдим этиши лозим:

- Давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувохнома, лицензия ва мазкур ишларни бажариш бўйича руҳсат берувчи ҳужжатлар нусхалари;
- Мавжуд техникалар, маҳсус ихтисослаштирилган асосий воситалар тўғрисида маълумот;
- хизмат кўрсатиш учун тегишли идоралардан руҳсат олинганлиги тўғрисида ҳужжатлар.

4.4. Кўйидаги тадбиркорлик субъектларига танловда иштирок этишга руҳсат берилмайди:

- кайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкродлик босқичида;
- инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрига киритилган;
- солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича муддати ўтган қарздорлиги мавжуд бўлган.

4.5. Иштирокчи кўйидаги ҳолларда танловдан четлаштирилади:

- иштирокчи бевосита ёки билвосита буюртмачининг танловда иштирокчиларни танлашда маъсул бўлган шахслар билан ноқонуний келишувлар орқали қарор натижасини ўз фойдасига ҳал қилиниши учун таъсир ўтказувчи ҳаракатларни амалга оширилганда;
- иштирокчининг қонунчиликка зид бўлган адолатсиз рақобат ёки афзалликларга эга бўлса.

#### **5. Бошқа шартлар.**

5.1. Тўлов шартлари: Ижрочи томонидан кўрсатилган хизмат бўйича ҳар ойнинг 5 санасига қадар ўтган ой учун ҳисоб-варақ фактура тақдим этилиши лозим.

5.2. Буюртмачи томонидан тўловлар, ҳисоб-варақ фактура тақдим этилган санадан бошлаб 3 ой давомида амалга оширилади.

Илова

Күрсатилиши лозим бўлган хизмат

Хизмат тури	Хизмат сони
Наманган вилояти Тўрақўргон тумани Лангарбобо МФЙда жойлашган “18-сонли умумтаълим мактаби” биносини жорий таъмирлаш ишларини бажарувчи корхонани саралаш бўйича	Жорий таъмирлаш